



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚИРҒИЗИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Президент Алмазбек Атамбоевнинг таклифига биноан 2017 йил 5-6 сентябрь кунлари давлат ташрифи билан Қирғизистон Республикасида бўлади.

Олий даражадаги учрашув ва музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари ўзаро муносабатларни ривожлантиришнинг асосий масалалари, сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш

истиқболлари, мамлакатларимизнинг чегараолди ҳудудлари алоқаларини фаоллаштириш, шунингдек, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммоларни муҳокама қиладилар.

Музокаралар якунлари бўйича икки давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти, Ўзбекистон — Қирғизистон давлат чегараси ҳақидаги шартнома, мамлакатларимиз ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга қaratилган бошқа қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ВАЛЮТА СИЁСАТИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда валюта сиёсати ва ташқи савдо фаолияти соҳасини такомиллаштириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш, замонавий, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини барқарор ривожлантиришга хизмат қилгани қайд этилсин.

Мақбул миқдорда ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича изчил амалга оширилаётган сиёсат Ўзбекистоннинг мажбуриятларини ўз вақтида бажарадиган ишончли, тўловга лаёқатли халқаро шерик сифатидаги имиджини таъминлади, кейинчалик валюта курсини либераллаштириш учун зарур олтин-валюта заҳирасини шакллантириш, валюта ресурсларини реал иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш ва диверсификация қилишнинг устувор соҳаларига йўналтириш, жаҳон молиявий инқирозининг салбий оқибатларини юмшатиш имконини берди.

Шу билан бирга, валюта муомаласи соҳасининг ҳаддан зиёд маъмурий тартибга солиниши алоҳида тармоқлар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар учун имтиёз ва преференцияларнинг асоссиз равишда кам самарали бўлган тизимини шакллантирди, бизнес юритишда тенг бўлмаган шарт-шароитларнинг вужудга келиши ва рақобатнинг бозор тамойиллари бузилишига олиб келди, хорижий инвестицияларни жалб қилишда, товарлар ва хизматлар экспортини оширишда, умуман, мамлакатимиз иқтисодий ривожланишида тўқтинлик қилувчи омилга айланди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ ҳамда валюта соҳасини тартибга солишнинг бозор механизмларини жорий қилиш, республика экспорт салоҳиятини оширишни рағбатлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи ва ички бозордаги рақобатдошлигини ошириш, мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадига:

1. Валюта бозорини янада либераллаштириш соҳасида давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари этиб қўйилганлиги белгилансин:

биринчидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш ҳамда ўз маблағларини ўзининг хоҳишига қўра эркин тасарруф этиш ҳуқуқларини рўйбга чиқаришни тўлиқ таъминлаш;

иккинчидан, миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини белгилашда фақатгина бозор механизмлари қўллаш;

учинчидан, валюта ресурсларидан фойдаланишда бозор инструментларининг ролини ошириш, валюта бозорини барча ҳўжалик юритувчи субъектлар учун тенг рақобат шароитларини яратиш, валюта сиёсатининг ноанъанавий тармоқларда экспортни ривожлантиришда, минтақавий ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашда рағбатлантирувчи ролини ошириш;

тўртинчидан, сифатли иш ўринлари ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг бевосита рағбатлантириш учун иқтисодиётнинг барча секторларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, билим ва технологиялар жалб этишга хизмат қиладиган ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш;

бешинчидан, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган қатъий монетар сиёсатни амалга ошириш, бу борада монетар инструментлардан фаол ва мослаштирилган

ҳолда фойдаланиш, давлат қимматли қоғозлари бозорини ривожлантириш, шунингдек, очиқ бозорда операциялар ҳамда давлат қимматли қоғозларини банклар ликвидлигига гаровга бериш бўйича операцияларни амалга оширишни амалиётга жорий қилиш;

олтинчидан, монетар ва фискал сиёсатни мувофиқлаштириш ҳамда Давлат бюджетининг мутаносиблигини таъминлаш орқали пул массаси ҳаддан зиёд ўсишининг олдини олиш;

еттинчидан, банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш ва унинг таваккалчиликларга бардошлилигини, шу жумладан, валюта сиёсатини либераллаштиришнинг вужудга келиши мумкин бўлган салбий таъсирини юмшатишга қаратилган самарали чораларни қўллаш ҳисобига ошириш;

саккинчидан, валюта сиёсатининг янги шароитларида таянч тармоқлар корхоналари самарали фаолият юритиши учун уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур чора-тадбирлар қўриш;

тўққизинчидан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари турмуш даражасига валюта сиёсатини либераллаштиришнинг салбий оқибатларини камайтириш имконини берадиган ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2017 йилнинг 5 сентябридан:

Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари жорий халқаро операциялар (товар, иш ва хизматлар импорти, фойда репатриацияси, кредитларни қайтариш, хизмат сафари харажатларини тўлаш ва бошқа савдо характериغا эга бўлмаган ўтказмалар) бўйича тўловларни амалга ошириш учун тижорат банкларида чет эл валютасини чекловсиз сотиб олишлари мумкин;

Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган жисмоний шахслар чет эл валютасини тижорат банкларининг валюта айирбошлаш шохобчаларига эркин сотиши ва конверсион бўлимларида сотиб олинган маблағларни халқаро тўлов карталарига ўтказиш бўйича амалдаги тартибга асосан сотиб олиши ва чет элда ҳеч қандай чекловларсиз ишлатиши мумкин;

истеъмол товарлари импорти билан шуғулланувчи юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатувчи яққа тартибдаги тадбиркорларга чет эл валютасини жисмоний шахслар учун ўрнатилган тартибда, банклардаги ҳисобварақлар орқали сотиб олишга рухсат берилади;

мулкчилик шаклидан қатъий назар барча экспортчи корхоналарнинг чет эл валютасидаги тушумини мажбурий сотиш бўйича талаб бекор қилинади;

чет эл валютасида даромад олувчи юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатувчи яққа тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек, фермер ҳўжаликлари ўз банк ҳисобварақларидаги чет эл валютасини нақд қўринишида олиши мумкин.

3. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

товар (иш ва хизмат)лар учун тўловларни чет эл валютасида амалга ошириш тақиқланади, халқаро тажрибага мувофиқ халқаро тўлов карталари орқали тўловлар бундан мустасно;

товар, иш ва хизматлар учун нарх ва тарифлар, шунингдек, жамиятларнинг устав капиталига қўйиладиган минимал талаблар фақат миллий валютада белгиланади;

давлат божлари, йиғимлари ва бошқа мажбурий тўловлар фақат миллий валютада ундирилади, консуллик йиғимлари бундан мустасно.

► Давоми 2-бетда.



БОКСЧИЛАРИМИЗ ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН ҚАЙТДИ

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Германиянинг Гамбург шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида 1 олтин, 3 кумуш ва 2 бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида терма жамоамизни вазирилик ва идоралар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, спорт мухлислари тантанали равишда кутиб олди. Боксчиларимизнинг бу ғалабаси мамлакатимизда ёш авлоднинг жисмонан ва маънан етук инсонлар бўлиб улғайиши,

спорт билан мунтазам шуғулланиши, ўз истеъдод ва салоҳиятини намоён этиши учун яратилган кенг шароитлар юксак самаралар бераётганининг яна бир исботидир.

Германияда ўтган нуфузли мусобақада 85 давлатдан 280 боксчи совринли ўринлар учун беллашди. Унда спортчиларимиз Ўзбекистон бокс мактаби салоҳиятини яна бир қарра намоиш этди.

— Халқаро майдондаги нуфузли мусобақаларда қатнашаётган ҳар бир спортчимиз ортида ўзини мана шу даражага етказган Ватанимиз, халқимиз турганини, яратилаётган шароитларнинг барчаси истиқлолимиз шарофатидан

эканини чин дилдан ҳис қилади, — дейди бокс бўйича жаҳон чемпиони Ш.Ғиёсов. — Мана шу туйғу биз, спортчиларга катта куч-қувват ва ишонч беради. Жаҳон чемпионатидаги ғалабамизни энг улғу, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллигига бағишлаймиз.

Хабар қилганимиздек, Ҳасанбой Дўсматов, Иқболжон Холдоров, Жасур Латипов кумуш, Санжар Турсунов ва Бектемир Мелиқўзиев бронза медални қўлга киритди.

Б.АЙТУРДОВ, Ж.ТОШҲУЖАЕВ, ЎЗА мухбирлари.



Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

МУДОФАА Салоҳияти — ТИНЧЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, фуқароларимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир бўлган ихчам, ҳаракатчан, замонавий талабларга тўла жавоб берадиган миллий армиямиз шакллантирилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йил 28 август куни Самарқандда ўтказилган сайёр видеоселектор йиғилишида мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислохотлар натижалари ва бу борадаги долзарб вазифалар муҳокама қилинди. Қуролли Кучларимиз Олий Бosh Қўмондонидунда ҳарбий-сиёсий вазият тобора ўзгариб, миллий ҳамда глобал хавфсизлик соҳасида хатар ва таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги кунда миллий армиямизни янада такомиллаштириш бўйича пухта ўйланган ҳаракатларни амалга оширишимиз зарурлигини таъкидлади.

Ватанини кўз қорачигидек асраш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга камарбаста бўлаётган ҳарбий хизматчилар давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Соҳада

амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида Қуролли Кучларимиз сафларида мард ва жасур, ҳар томонлама билимли ёшлар хизмат қилмоқда.

Президентимиз видеоселектор йиғилишида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун замонавий шароит — уй-жой билан таъминлаш ва бошқа қулайликлар яратиш, уларнинг фарзандлари таълим-тарбияси ва ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан ҳарбий хизматчиларга муносиб ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш мақсадига Чирчиқ шаҳрида 135 ҳарбий хизматчи ва уларнинг оила аъзолари учун 2-3 хонадан иборат кўп қаватли 8 та уй қурилиши бошлаб юборилган ва бу уйлар шу йилнинг декабрь ойида эгаларига топширилади.

Ангрен шаҳрида жойлашган ҳарбий қисм ҳудудидаги ётоқхона қайта таъмирланди ва унинг 2- ва 3-қаватлари 42 ҳарбий оиласи учун ажратилди. 4-қавати эса оила қуришга улгурмаган 100 ҳарбий хизматчига берилди. Ўрта Чирчиқ тумани ва Ангрен шаҳридаги ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчилар учун 2018-2019 йилларда 16 та кўп қаватли уй қурилиши мўлжалланмоқда.

► Давоми 3-бетда.

Ўзбекистон ХДП ҳаётидан

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши Ғаллаорол иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида сайёр қабул ўтказди. Тадбирда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, бошланғич ташкилот етакчилари, тарғиботчилар, тумандаги мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Сайёр қабуллар ўтказилмоқда

Учрашувда жойларда сайёр қабуллар ташкил этиш, мурожаатларда кўтарилаётган масалаларни умумлаштириш, уларни ҳал қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш хусусида сўз юритилди. Муаммоларга депутатлик назорати имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда ечим топиш зарурлиги таъкидланди.

Сайёр қабул давомида 39 мурожаат бўлди. Жумладан, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, ногиронларга ортопедик маҳсулотлар ва ногиронлик аравачалари етишмаслиги, ички йўлларни таъмирлаш, қуз-қиш мавсумида мактабгача таълим муассасалари ва мактабларда иситиш тизимини яхшилаш, газ ва электр таъминотидаги узилишлар, туман марказига узок кишлоқларни боғловчи жамоат транспорти қатновини ташкил этиш каби масалалар кўтарилди. Мурожаатларнинг 10 таси жойида ҳал қилинди, қолганлари бўйича тегишли ташкилотлар раҳбарларига депутатлик сўровлари юборилди.

Хусан АБДУНИЯЗОВ

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг.

ХАЛҚИМИЗ БИЗДАН
НИМАНИ КУТАЯПТИ?

БИРГИНА ШИРИН СЎЗ, БИР ЧИМДМ ЭЪТИБОР
КЎНГИЛЛАРНИ КЎТАРАДИ, ДИЛЛАРГА МАЛҲАМ БЎЛАДИ

www.uzbekistonovozi.uz

